Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 238 (4444).

7 ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

„ЎЗБЕКИСТОН“ ТУРИСТИК ПОЕЗДИ САФАРГА ЧИҚДИ

Область партия комитетининг мажлислар зали кишилар билан гавжум эди. Бу ерга «Ўзбекистон» туристик поезди билан саёҳат қилиш ҳуқуқига эга бўлган областимизнинг таниқли, илғор кишилари тўпланишган. Улар орасида механизаторлари, бригада ва звено бошлиқларини кўриш мумкин. Областимизнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари йил давомида фидокорона меҳнат қилдилар. Деҳқончилик маданиятини оширишда, техникадан самарали фойдаланишда улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Самарали меҳнат зое кетмади, областимиз пахтакорлари жонажон Ватанимизга 388,7 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Пландагига нисбатан 58,7 минг тонна кўп пахта топширилди.

Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг тракторчиси С. Маҳмудов, Киров номли колхознинг бригада бошлиғи П. Раимов, Навоий номли колхознинг звено бошлиғи Х. Мирсобиров, Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз механизатори М. Буканов ва бошқа кишилар ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, мусобақада голиб чиқишган. Шу сабабли ҳам «Ўзбекистон» туристик поездида саёҳат қилиш имтиёзли путёвкаси билан мукофотландилар.

Тошкент область партия комитетининг секретари З. Ф. Ҳўжаев бу ерга тўпланган илғор кишиларнинг эришган ютуқлари билан яна бир бор табриклаб, уларнинг саёҳатларига оқ йўл тилади.

Ўша куни областимиз қишлоқ хўжалик илғорларидан 380 киши «Ўзбекистон» поезди билан туристик саёҳатига йўл олдилар. Улар уч ҳафтадан ортиқ вақт ичида Ватанимизнинг энг гўзал шаҳарларида бўлишадилар. Ў ерларнинг ҳаёти билан танишадилар, илғор кишилар билан учрашадилар.

Тошкентдан чиққан «Ўзбекистон» туристик поезди — Куйбишев,— Пятигорск — Боку—Ереван—Тбилиси—Ботуми — Сухуми Гагра — Адлер томон йўл олди.

НАВБАТДА—ТЎРТИНЧИ БЛОК


ЗАРБДОР қурилишларда

Чотқол тоғининг қорли чўққиларидан бошланиб, тошдан-тошга уриліб, ҳайқириб оқаётган Чотқол сувини инсон амрига бўйсундириш, ундан Ильич нури олиш учун иш бошлаб юборганига етти йилдан ортиқроқ вақт ўтди.

Шу йиллар мобайнида неча-неча миллион кубометр тоғ ишлари бажарилди. Қанчадан-қанча бетон ётқизилди. Қурувчилар кун сайин суръатга-суръат қўша бориб, зафар оларини тобора яқинлаштирдилар.

ГОЭЛРО планининг 50 йиллик байрами арафасида ГЭСнинг биринчи агрегати ток бера бошлади. Бу коллективимизнинг биринчи йирик ғалабаси бўлди. Иккинчи агрегатни эса КПСС XXIV съезди арафасида тошширдик. Бу партиямиз съездига муносиб туҳфамиз бўлди.

Учинчи агрегатни монтаж қилиш ишлари эса, Куйбишев, Саратов, Волгоград ва Боксанкс ГЭСлари қурилишида қатнашган, тажрибали Василий Сереков бригадасига тошширилди. Монтажчилар ишнинг биринчи кунидан бошлаб, суръатни ошира бордилар. Роторни, генераторнинг статорини ўрнатишда Владимир Риков ва Василий Крижановский ўртоқларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. Улар ҳамкасбларини ёрдамида турбина шахтасини муддатидан илгари тўсдилар. Моҳир бригадирнинг кўрсатмаларини аниқ бажараётган монтажчилар тез орада учинчи агрегатнинг қаддини ростлашди.



Суратда: ГЭСнинг учинчи агрегати.

Улар охирги кунларда кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишни бирзум ҳам тўхтатмай ишлашди.

Учинчи турбоагрегатни ростлашда Михаил Мурашов ва Василий Золотопуп бошлиқ бетончилар, бригадасининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Бетончилар фақат кейинги икки ҳафта мобайнида 3000 кубометр бетон ётқиздилар. Кунига 12 кубометр ўрнига 342 кубометрдан бетон ишлари бажарилди. Бунда бетон заводи ва автобаза шоферларининг яхши ишлаганликларини айтиб ўтиш керак.

Экскаваторчиларимиз зимасига ҳам осон иш юкланмаган. Ҳар бир экипаж кунлик тупроқ қазиш ишларини нормадагидан ярим баравар оширишга ҳаракат қилди. Жумладан, 3698-экскаватор экипажи 45 минг кубометр, 3810-экскаватор экипажи 44,5 минг кубометр тоғ жинсларини қазиб олди. Бу навбатдаги агрегатни фойдаланишга топшириш кунларини тезлатиш имконини берди.

Монтажчилар, бетончилар ва экскаваторчилар ўз ишларини бажариб бўлгач, ишга созловчилар киришди. Уларнинг ишлари қанчалик нозиклигини шундан ҳам билиш мумкинки, агар бирон бир кўз илғамас сим изоляция қилинмаган бўлса, кўнгилсиз воқеа юз бериши, заводдан агрегатни бу ерга келтиришда, унинг қаеридир шикастланган бўлиши ҳам мумкин. Янги текшириш аппаратлари билан қуроллангач Борис Чупров участкаси ходимлари ҳар бир кабелни сичқонлик билан текшириб чиқдилар. Синаш ишлари кўпинча тунда олиб борилди, чунки, тунда ўзга юқори кучланишлар камайиб, текшириш аппаратларининг аниқ ишлашига имкон берди.

Синов ишлари муваффақиятли якунланади. Орзиқиб кутилган онлар етиб келди. Эрта тонгдан ГЭС радио карнайлари орқали бугун учинчи турбоагрегатнинг фойдаланишга топширилиши ҳақидаги хушхабар тарқалди. Қурувчиларимиз чеҳрасида табассум. Улар ўз меҳнатлари натижасини, яъни блокнинг ишга туширилишини орзиқиб кутишади. Давлат комиссияси блокни сичқонлик билан топшириб чиққач, уни ишга туширишга рухсат берди. Кўк кнопка босилиши билан агрегатнинг шовқини атрофга таралди.

Эндиликда ГЭСнинг умумий қуввати 450 минг киловатт-соатга етди.

Ана шу ҳаммамиз учун қувончли бўлган кунларда ютуғимизга ютуқ қўшган коммунистларимиз ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. ГЭС қурилишининг энг оғир участкаларида коммунистлар бош-қош. Айниқса, Иван Масалов, Аркадий Пеганов, Виталий Иванов, Темур Икромов, Усмон Сарсенов ва В. Раднонов каби актив ларнинг ҳам ишда, ҳам снёсий ўқишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Давлат план топшириқларини ҳам оширнб бажарямиз. Янги беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан икки ой илгари оширнб адо этдик. Ўтган ўн бир ой мобайнида планга қўшимча равишда 2 миллион сўмдан ортиқ пул ўзлаштирилди.

СССР Олий Советининг саккизинчи чақириқ учинчи сессиясида 1975 йил охирига бориб, мамлакатимизда электр қуввати ишлаб чиқариш 1065 миллиард киловатт-соатга етказилиши кўрсатилган. Шу беш йилликда республикамизда ҳам йирик-йирик сув ҳамда иссиқлик электр станциялари бунёд этилади. Бекободда йирик иссиқлик электр станцияси қурилади.

Тўққизинчи беш йилликда коллективимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва сессия қарорларидан руҳланган гидроқурувчилар навбатдаги тўртинчи турбоагрегатни муддатидан бир неча ой илгари ишга туширишга аҳд қилдилар. Ушбу ГЭС даги ишлар ниҳоясига етказилгач, Ҳўжакент ГЭСи тугалланади. Ғазалкент ГЭСи қурилиши бошлаб юборилади.

Ана шу олдимизда турган янги режаларни бажариш, партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган перспектив йўлни оғишмай амалга ошириш коллективимиз ҳар бир аъзосининг муқаддас бурчига айланган.

В. ДРИЖАК,

«ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси партия комитетининг секретари.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ қурилишида

КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁР

МЕТРО қурилиши марказий компрессор станциясининг лойиҳаси тайёр бўлди. Бу лойиҳани «Ўлгипротяжпром» тузди. Станция ҳар минутда 300 кубометр ҳаво бериб туради. Станция метрополитен биринчи линияси йўлини қурадиган механизмларни ишга солиб туради.

Компрессор станцияси бўлажак метронинг «Маданият парки» билан «Комсомольская» станциялари ўртасида, Комсомол кўли яқинида қурилади. Кучли компрессорлар 20 километр узунликдаги қувурлар орқали олти-етти атмосфера босимдаги ҳавони станцияларнинг қурилиш майдонларига бериб туради. «Дўстлик», «Фарҳод», «Собир Раҳимов» ва «Муқимий» станцияларидаги тўртта майдончанинг лойиҳалари тайёр бўлди.

МЕТРО АСБОБ — УСКУНАЛАРИ УЧУН

ТОШКЕНТ яқинидаги Собир Раҳимов темир йўл станциясида Тошкент метрополитени учун олинадиган юкларга махсус майдон қурила бошланди. 8 гектарлик бу майдонда метро қурувчилар учун саноат базаси; механика устахоналари қурилади.

КРАНЛАР ВА МАШИНАЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА

МЕТРОПОЛИТЭН қурилиши учун керакли техника олина бошланди. Юк тушириладиган майдончада ишлайдиган катта кранлар келтирилди. Метро қурувчилар яқинда тунель қурилишини битказган Антрендан шахталарда ишлатиладиган вагонлар ва юк ортиш машиналарининг бир қисмини қабул қилиб олишди.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ қаҳрамон Брест қалъасини бориб кўрди

БРЕСТ, 5 декабрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси VI съездида бораётган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 5 декабрда бироз вақт Брест шаҳрида бўлди.

Леонид Ильич Брежнев ва делегация аъзолари П. М. Машеров, К. Ф. Катушев, В. И. Долгих, А. Ф. Ватченко, К. В. Русаков Қаҳрамон Брест қалъасига бордилар. Унинг территориясидаги мемориал комплекс иншоотларини кўздан кечирдилар. Буг ёнидаги қалъанинг қаҳрамонларча мудофаасига бағишланган музейни бориб кўрдилар, қалъанинг афсонавий ҳимоячилари дафн этилган мемориал плиталар ёнига гулчамбар қўйдилар.

Қалъани томоша қилаётган сон-саноқсиз кишилар қалъа мемориал комплексини кўздан кечираётган Леонид Ильич Брежневни қизғин табриклашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев фахрий меҳмонлар дафтарига қуйидагиларни ёзди: «Брест қалъаси ҳимоячиларининг шижоати халқлар хотирасида асрлар бўйи яшайди, яшайверади ва кишиларни совет ватанига чексиз садоқатли бўлишига даъват этиб тураверади.

1971 йилда барпо этилган улуғвор мемориал қаҳрамонларнинг мардлигига муносиб ёдгорликдир. Шу ёдгорликни яратган кишиларга раҳмат.

Жаҳон халқлари, тинчлик учун курашингиз!»

Леонид Ильич Брежнев область партия ва совет органларининг раҳбарлари билан учрашди ҳамда суҳбатлашди.

КПСС делегацияси шу куни Варшавага жўнаб кетди. Область ва шаҳар раҳбарлари, Брест механизаторлари Л. И. Брежневни ва делегация аъзоларини воқзалда самимий кутиб олдилар ва узатиб қолдилар.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА КЕЛДИ

ВАРШАВА, 5 декабрь. (ТАСС). Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан ПБИП VI съездида қатнашиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси бугун Польша Халқ Республикаси пойтахтига келди.

Делегация составида—КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари В. И. Долгих, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Ватченко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ПХРдаги элчиси С. А. Пилотович бор.

СССР ва ПХР давлат байроқлари билан безатилган вокзалда делегацияни Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Давлат кенгашининг раиси Ю. Цранкевич, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг раиси П. Ярошевич, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, ПБИП Марказий Комитетининг секретарлари кутиб олдилар.

Польша Социалистик ёшлар союзининг намояндалари делегация аъзоларига гулдасталар тақдим қилдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КХДРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси Корея Халқ Демократик Республикаси Олий халқ мажлисининг таклифига биноан 4 декабрда Москвадан Пхеньянга жўнаб кетди.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари: Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари П. П. Козырь, Приморье ўлкаси «Дальморгидрострой» трести — 404 қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Г. П. Крилов, Қирғизистон ССР Тўғи район шифохонаси бош врачининг ўринбосари У. К. Раисмамбетова, «Литературная газета»нинг бош редактори ёзувчи А. Б. Чаковский, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. К. Черний ҳамда меҳнаткашлар депутатлари Ленинград область совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Шибалов бор. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИННИНГ ДАНИЯДА БЎЛИШИ

ОЛЬБОРГ, 5 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча Ольборг шаҳар кенгаши бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин шарафига зиёфат берди.

Ольборг шаҳар ҳокими М. Андерсен Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмонга мурожаат қилиб, фан-техника, санъат ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк ва қудратли давлат вакилларини қутлашдан бағоят хурсандман, деди.

А. Н. Косигин жавоб нутқида Ютландияга қилган қизиқарли сафаридан мамнун эканлигини изҳор қилди. Мен, деди у, Дания халқининг кундалик ҳаётига хос бўлиб, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар меҳнати билан эришилган моддий маданият даражасини акс эттирадиган кўп нарсаларни кўришга муваффақ бўлдик деб ўйлайман, деди.

СССР Министрлар Советининг раиси Дания билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ишонч учун қадаҳ кўтаради.

А. Н. Косигин нутқи қарсаклар билан кутиб олинди.

ПБИП VI СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ВАРШАВА, 6 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари **Н. Жёлезнов Е. Иванов**). Бугун ПБИП VI съезди очилди.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари. ПБИП Марказий Комитетининг секретарлари президиумга чиқадилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев. Коммунистик ва ишчи партияларнинг VI съездига келган делегацияларни раҳбарлари, халқ бирлиги фронтига кирувчи партияларнинг вакиллари ҳам улар билан бирга президиумга чиқиб ўтирадилар.

ПБИП Марказий Комитетининг Бош секретари Э. Герек съездни қисқа кириш нутқи сўзлаб очади.

(Съезд иши ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

А. Н. КОСИГИН ОСЛОГА КЕЛДИ

ОСЛО, 5 декабрь. (ТАСС). махсус мухбирлари). Норвегия ҳукуматининг таклифига биноан бугун СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин расмий визит билан шу ерга келди. Эстония ССР Министрлар Советининг раиси В. И. Клаусон, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. А. Смирнов ва бошқа расмий кишилар ўртоқ А. Н. Косигин билан бирга келишди.

Норвегия бош министри Т. Браттели рафиқаси билан, Ташқи ишлар министри А. Каппелен, ҳукумат аъзолари, Норвегиянинг СССРдаги элчиси Ф. Якопсен ва бошқалар Совет Ҳукумати бошлиғини кутиб олиш учун Форнебю аэродромига келишди.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Норвегиядаги элчиси С. К. Романовский, Ослодаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари Норвегия ва чет эл матбуотининг вакиллари бор эди.

СОВЕТ—ДАНИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

ОЛЬБОРГ, 5 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Дания Бош министри Е. О. Краг ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида бугун бу ерда Совет-Дания ахбороти имзоланди.

Ахборотни СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин билан Дания Бош министри Е. О. Краг имзоладилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

МИЛЛИЙ ДАРОМАДНИНГ ЎСИШИ

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми маъқуллаган ва СССР Олий Советининг III сессияси тасдиқлаган тўққизинчи беш йиллик план эндиликда қонун кучига эга бўлиб қолди.

Совет кишиларининг янги беш йиллик мобайнида қиладиган ратувчилик меҳнати режалари тузиб берилган бу план мамлакатимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, жаҳонда тинчлик барқарор бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги замон хусусиятларидан бири шундаки, халқ хўжалигининг ривожланш масштаблари кескин даражада кенгайди. Бу миллий даромаднинг кўпайишида ҳам ёркин намоён бўлмоқда.


Ҳаммага маълумки, янги беш йиллик мобайнида миллий даромаднинг ўртача йиллик миқдори 325 миллиард сўмга етади. Саккизинчи беш йиллик йилларида эса у ўртача—233 миллиард сўмни ташкил этган эди. Умуман 1971—1975 йилларда СССРнинг миллий даромади ўтган беш йилликдагига қараганда 38,6 процент ортади ва 1 триллион 625 миллиард сўмга етади.

Совет кишиларининг коммунистик жамият қуриш йўлидаги қаҳрамонона меҳнати, куч-ғайрати, экономикамиз қудратининг муттасил ортиб бориши фаровонлигимиз асоси бўлган миллий даромад ҳажмининг тез суръатлар билан ошириш имконини бермоқда. Бизнинг мамлакатимизда бойлик бутун халқ меҳнати билан ва ана шу халқ фаровонлиги учун кўпайиб боради. Социалистик жамиятимиз қудратининг асоси ва манбаи ҳам худди шунда. Миллий даромаднинг аксарият тўртдан уч қисми истеъмол учун, қолгани эса янги қувватлар яратиш учун жамғарма тўплашга сарфланмоқда.

Масалан, ўтган беш йилликда 518 миллиард сўм меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари истеъмоли учун сарфланди. 199 миллиард сўм мароиф, соғлиқни сақлаш, аҳолининг бошқа маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий фондлар учун ажратилди. 80 миллиард сўмга яқин маблағ меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган аҳолига, ўқувчиларга стипендиялар ва нафақалар сифатида 41 миллиард сўм тўланди.

Тўққизинчи беш йилликда ҳам миллий даромаднинг истеъмол учун сарфланадиган улуши, аҳоли жон бошига реал даромадлар 30,8 процент ортади, 1975 йилда аҳолининг пул даромадлари 1970 йилдагига қарағанда 78 миллиард сўм кўпаяди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошаётганлиги туфайли ҳам миллий даромад ортиб бормоқда. Беш йиллик планда белгиланишича, бутун миллий даромад ортишининг 85 процентга яқини шу ҳисобга бўлади. Шунинг учун ҳам барча корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигининг ишлаб чиқариш самарадорлигининг муттасил ортишини таъминлаш керак. Коммунистик партия белгилаган улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида бу ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.



ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ УЧУН

КПСС XXIV съезди ва ВЛКСМ XVI съезди қарорларида ёшларнинг коммунистик онглилигини ошириш, ижодий активлигини ўстириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга даъват этиш комсомол ташкилотлари олдида турган асосий вазифалардан эканлиги алоҳида уқтирилган эди. Кўпгина комсомол ташкилотлари съезд қарорларини амалга ошира бориб, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашда ва иқтисодий самарадорликни оширишда қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ҳозирги кунда областимиз саноат корхоналари ва хўжаликларида 800 дан ортиқ комсомол-ёшлар бригадалари фаол меҳнат қилмоқда. Сўнгги икки йил мобайнида ёшлар коллективларининг сони 300 тага кўпайди. Йигит-қизларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар. Улар ишлаб чиқаришда намуна бўлиш билан бирга ўз малакаларини ошириш ва қўшимча касб эгаллашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳар йили областда 70 мингдан ортиқ ёш ишчи ва колхозчи ўз малакасини оширмоқда, 13 мингдан ортиқ йигит-қиз эса иккинчи касбни эгалламоқда. Касб ўрганиш бўйича ўтказилаётган мусобақалар ёшлар маҳоратини оширишга кўмаклашмоқда.

Кўрилаётган тадбирларнинг ҳаммаси ёшлардаги ижодий активликни ўстирмоқда, коллективлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамламоқда. Ютуқлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Ҳозирги кунда областимизда 21 мингдан ортиқ йигит-қиз 1972—73 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 80 мингга яқин ёш ишчи эса тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили топширигини муддатидан олдин бажариш арафасида турибди.

Пахтакор ёшларимиз ҳам йил сайин ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар гектар бошига олинаётган пахта ҳосилини оширишга алоҳида аҳамият бераяптилар. Бу йил комсомол-ёшлар бригадалари ва звенолари гектаридан ўрта ҳисобда 28 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиб олдилар.

«Иш вақтидан тўла фойдаланайлик, ҳар бир минут коммунизм хизматига» шиори остида ўтказилаётган область комсомол ташкилотлари кўригида қатнашаётган ёшлар, айниқса, қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Кўрик қатнашчилари орасида ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажараётган ва меҳнат интизомини тобора мустаҳкамлаётганлар сони ой сайин ошиб бормоқда.

Область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида «ВЛКСМ Марказий Комитети секретариатининг «Тошкент область ёшлари ўртасида меҳнат интизомининг аҳволи тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область комсомол ташкилотининг вазифалари» ҳақида доклад қилган область комсомол комитетининг иккинчи секретари **В. Д. Ардатов** бу муваффақиятларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Ҳозир КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! шиори остида ўтказилаётган Бутуниттифоқ Ленинчи синовларнинг иккинчи босқичи давом этмоқда, — деди докладчи. — Шу даврда ҳар бир йигит-қиз ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун конкрет мажбуриятлар олиши лозим.

Докладчи меҳнат интизомининг бузилишидан кўплаб зарар кўрилаётганлигини ташвишланиб гапирди. Айниқса, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бўстонлиқ районлари хўжаликларида бундай нуқсон тез-тез содир бўлиб турибди. Интизомсизларга қарши жиддийроқ кураш олиб борилмаётганлиги натижасида иш соатлари бекорга исроф бўлаяпти. Комсомол ташкилотлари ишни ВЛКСМ Марказий Комитети секретариати қарори асосида ташкил этиб, ёшлар тарбиясини яхшилашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун соҳалар бўйича оширишга, меҳнатга коммунистик муносабат ҳиссини кучайтиришга эришмоқлари лозим.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда биринчи бўлиб сўзни Тошкент шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари **А. Володарский** олади.

— Шаҳримиз саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кенг қулоч ёзмоқда, — деди нотиқ. — Ёш ишчилардан ўн мингдан ортиқ киши ҳозир коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлган. Эндиликда саккиз мингдан ортиқ йигит-қиз бу номни олиш учун ўзаро мусобақалашаяпти. Мусобақа қудрати билан ойлик топшириқлар барвақт адо этилмоқда. Шу кеча-кундузда 12 мингдан кўпроқ ёш ишчи 1972-73 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда. Кўплаб ёшларимиз Чкалов номидаги самолётсозлик заводи фрезерчиси Альбина Девятова ташаббусига қўшилиб, меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажариш учун курашмоқдалар.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз механик-ҳайдовчиси **Ш. Қуролова** ёш пахтакорлар муваффақиятидан гапирди. Колхоз ёшлари меҳнат интизомини намунали йўлга қўйиб ҳар соҳада қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар, Нотиқ айни пайтда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳали ҳам талаблар даражасида бўлмаётганлигини таъкидлади.

Сўзга чиққан Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **В. Лозницкий**, Тошкент Электрон техника заводи бригада бошлиғи **М. Воронцова**, Янгийўл шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати тикувчиси **М. Хасанова** ва бошқа ўртоқлар ҳам меҳнатни ташкил этиш, давлат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қимматли фикрларни билдирдилар.

Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитети сектор мудири **В. Г. Озирний** нутқ сўзлади.

Пленум ишида область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари **О. К. Комилжонов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда область XVII комсомол комференциясини чақириш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди. Пленум область XVII комсомол конференциясини 1972 йил, 10—11 мартда ўтказишга қарор қилди.



Янгийўл ёғ-мой комбинати қошида ёғни муттасил тозалаш цехи иш бошлади. Цехда барча жараёнлар тўла механизациялаштирилган бўлиб, бир кеча-кундузда 100 тонна юқори сортли маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Суратда: тозаловчи-оператор Б. Қорақулова иш устида.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси.

(ЎзТАГ)

МОКИ ТЎҚИМАЧИЛИКДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛАДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида ўрнатилган янги тўқув станоклари қарийб шовқинсиз ишлайди: уларда қаттиқ товуш чиқарувчи моки йўқ. Моки ўрнига ҳаракат қилувчи найчалар қўйилган. Сиқилган ҳаво арқоқ ипини шу найча орқали итқитади. Гап тўқимачилик фабрикаларида одатдаги шовқин йўқолишининг устидагина бормаётир. Мокисиз станокда бир соатда саккиз метргача, яъни мокили станокдагига қараганда 1,7 баравар кўп ҳом сурп тўқиб чиқариш мумкин. Бунинг устига зарядчица қиладиган иш ҳам қолмайди.

Перспектив планга мувофиқ беш йил мобайнида сал кам икки ярим мингта шундай станок ўрнатиш мўлжалланади.

Калава ўрашда меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар оширадиган мингдан ошиқ автоматлар ҳам ўрнатилади. Пенза заводи юборадиган йигирув машиналари пилик тайёрлашдаги бир қанча технология босқичларини қисқартиришга имкон беради. Чехословакиянинг «Ово» фирмаси юборадиган гул босиш машиналари газлама гулини сифатли ва кўркам қилишга ёрдам беради.

Шу беш йилликда комбинатда иккита йигирув-тўқув фабрикаси билан охорлаш фабрикасини реконструкция қилиш мўлжалланади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси корхонага тайёр газлама тўқиб чиқаришини 20 процентдан зиёд оширишга имкон беради. Буларнинг ҳаммасига ишчилар сонини кўпайтирмасдан эришилади.

(ЎзТАГ).

ТОЛМАС БИЛАКЛАР

Чилонзорнинг Мақсуд Шайхзода номли кўчасидан борар экансиз, кўчанинг кун чиқиш томонидан қад кўтарган осмонўпар уйлар, кўркам мактаб биноларини кўриб қалбингиз қувончга тўлади. Яқин ўтмишда қандай эди бу ерлар? Бир вақтлар кенг яйловликдан иборат бўлган шу жойда ёзда чанг, тўзон, қишда эса лой тиззага урарди. Энди бу пастқамликда замонавий иморатлар бунёд этилиб, унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу — бинокорларнинг яратувчилик меҳнати меваси.

Ҳозир ҳам бу ерда янги-янги уй-жойлар қад кўтармоқда айримларига сайқал берилмоқда. I-уйсозлик комбинатининг коммунист Геннадий Корноухов раҳбарлик қилаётган участка ишчи-хизматчилари ҳар соҳада бошқаларга намуна бўлишяпти. Улар ўнбир ойлик қурилиш планини муддатидан анча илгари адо этдилар.

Участканинг Ефим Петров раҳбарлик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари эса топшириқларни муттасил 130 процентга етказиб бажармоқдалар. 54 квартирали тўққиз қаватли уйни планда мўлжалланганича 1972 йилнинг биринчи кварталида эмас, балки янги йил арафасида фойдаланишга топширишмоқчи.

Участка коллективи эришаётган ютуқларда донгдор ишчи Альбина Александровна Девятова ташаббусига қўшилган бинокорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бўёқчилардан Н. Орифжонова, В. Малкина, Т. Зайцева, Л. Будённая, дурадгорлардан В. Мальцев, П. Овсянников, ойнасоз И. Макаров ва йигирмадан ортиқ бошқа қўли гул бинокорлар ана шу олижаноб ҳаракатда фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг ўртача иш кўрсаткичлари 150 процентни ташкил этмоқда.

Т. НАЖМИЙ.

СИЁСИЙ ПЛАКАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

В. И. Ленин Марказий музей филиалида сиёсий плакатлар кўргазмаси очилди. Унга Совет ҳокимияти йиллари мўйқалам соҳиблари томонидан яратилган турли мавзудаги плакатлардан юзга яқини қўйилган.

Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларидаги совет кишиларининг ватанпарварлигини мадҳ этувчи сюжетлар, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб барча қардош республикаларда чиқарилган плакатлар киши эътиборини ўзига кўпроқ тортяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, плакатларнинг барчасини музей ходимларининг ўзлари йиғишган.

Куни-кеча виставкани очиш маросими ўтказилди. Уни революция ветерани Ф. Д. Комаров очди. Тошкентликлар ва республикамиз меҳмонлари сиёсий плакатлар кўргазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

СЎҚОҚЛИК ЙИГИТ

У дам олиш уйига директор қилиб тайинланмасдан илгари раҳбарлик ёки хўжалик ишларида ишлаб кўрмаган, бу ишларнинг «сир»ларини билмас эди. Бунинг устига йил тамом бўлишига уч ойгина қолганда директор қилиб тайинлашди. Шунинг учун дам олиш уйини янада ободонлаштириш учун ажратилган маблағни нимага ишлатишни билмасдан боши қотди.

Шу бўлди-ю, ишни бошлаган биринчи йили капитал қурилиш учун ажратилган маблағни ишлатолмади.

— Энди аҳволингиз қандай? — деб сўради курортлар бошқармасидан келган Олим Яҳёев.

— Қандай бўларди? Ёрдамга муҳтожмиз. Планларимиз катта, лекин, маблағ йўқ. Ана шундан ёрдамлашсанглар дам олиш уйини жаннат қилиб юборардик-да!

— Олдин планни бажаринг, кейин гаплашамиз, — деди бошқарманинг бош бухгалтери.

— Албатта бўлади, — жавоб қилди Ориф. — Бутун эътиборимиз дам олишга келганларга яхши хизмат қилишда. Ёз ойларида жойимиз камлик қилса ҳам оғирликни устимизга олиб, чодр қуриб юбордик. Тепаликлар ўртасидан оқиб ўтувчи чулдироқ сойнинг бир томонига ўрнатилган чодирларга ишора қилиб, у шу жойларда ҳам кишилар дам олганлигини айтди. Икки кунлик дам олиш учун келганлар бир марта 600 кишидан ошиб кетди. «Сўқоқ» дам олиш уйидаги жой эса 250 ўриндан ошмас эди...

...Меҳмонлар бу ерда зерикиш нималигини билмадилар. Оммавий ишлар секторининг бошлиғи турли-туман қизиқарли ўйинларни топар, дам олиш уйининг радиоузели орқали янги оҳанграбо куй ва қўшиқлар янграрди.

Бу ерга илгари ҳам келиб кетган кишилар дам олиш уйида анча ишлар қилинганлигини, бунда нозик таъб кишининг қўли борлигини қалбдан ҳис этдилар.

Ориф Одилхонов Сўқоқнинг соф ҳавосини симириб ўсган йигит.. Шу ерда билим олган, қишлоқ хўжалик институтига етуклик аттестати билан йўлланма олган қишлоғи ҳам — Сўқоқ. Агрономлик дипломи қўлига теккандан бери хўжаликларда, районда ишлади.

Мутафаккирлар, шоирларнинг қуёш, тоза ҳаво, тоза сув ҳақида айтган фикрларини қайта-қайта ўқиган бўлса ҳам Сўқоқда бир камчилик борлигини сезмасдан келган экан. Бу йилги ёз ўша камчиликни кўзига кўрсатди. Ариқлардан, сойлардан мармардай тоза, танни яйратадиган сув оқиб турибдию, аммо яйраб чўмилишнинг иложи йўқ. Қурилган бассейн кичик, соя-салқин жойда. Энди у каттароқ бассейн қуриш ҳақида ўйларди.

— Улкан бир қурилишни мўлжаллаганмиз, — дейди Ориф Одилхонов. — Ости омборхона, иккинчи қавати ошхона, учинчи қавати клуб бўлган муҳташам бино қурмоқчимиз. Буни тезроқ битиришга ҳаракат қиламиз. Негаки, келган кишилар бемалол ёзилиб, мириқиб дам олишларини истаймиз.

Ғ. АСАДУЛЛАЕВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА — МАЪЛУМОТЛАР, МАҚОЛАЛАР, ВОҚЕАЛАР

ТАСС БАЁНОТИ

Ҳиндистон ярим оролида вазиятнинг ғоят кескинлашганлиги тўғрисида хабарлар келиб турибди. 3 декабрда Покистон авиацияси Ҳиндистон ғарби-шимолидаги бир қанча шаҳарларни бомбардимон қилди ва ўққа тутди. Ҳиндистон—Покистон чегарасида ҳарбий тўқнашувлар бўлмоқда.

Сўнгги вақтларда Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларда кучайиб борган кескинликнинг асосий сабабчиси Покистон ҳукуматининг Шарқий Покистон аҳолисига қарши қилган хатти-ҳаракатлари натижасида мамлакатнинг шу қисмида вужудга келган аҳвол эканлиги яхши маълумдир.

Сўнгги йилларда Шарқий Покистонда автономия учун, энг оддий гражданлик ҳуқуқлари ва озодлик учун оммавий ҳаракат авж олиб кетди. 1970 йилнинг декабрида қонун чиқариш органларига ўтказилган сайловларда М. Раҳмон бошчилигидаги халқ иттифоқи партиясини Шарқий Покистон аҳолиси якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Сайловдан кейин Покистон президенти билан халқ иттифоқи раҳбарлари ўртасида бўлажак давлат тузуми хусусида музокаралар бошланди. Бунда Шарқий Покистонга автономия берилиши кўзда тутилган эди.

Аммо Покистон ҳукумати афтидан битим тузишни хоҳламай, 1971 йилнинг 25 мартида тўсатдан музокараларни тўхтатиб қўйди. М. Раҳмон ва халқ иттифоқининг бошқа раҳбарлари қамоққа олинди. Шундан кейин дарҳол аҳолига қарши жазо чоралари бошлаб юборилди, минг-минглаб кишилар ўлдирилди, Шарқий Покистоннинг кўп миллион гражданлари ўз ҳаётини сақлаб қолмоқ учун қўшни Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Шарқий Покистонда оммавий жабр-зулм ва қонунсизлик вазияти вужудга келди.

Покистон ҳукумати оммавий жазо чоралари ва таъқиб этишларга Шарқий Покистон аҳолиси тобора кўпроқ қаршилик кўрсатаётганлигига дуч келгач, вужудга келган аҳвол учун масъулиятни Ҳиндистон гарданига ағдармоққа уринди ва Ҳиндистон билан муносабатларни кескинлаштириш йўлини тутди.

Тинчликни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, Совет Ҳукумати Шарқий Покистондаги воқеалар муносабати билан Ҳиндистон ярим оролида вужудга келган аҳволдан ташвишланаётганлигини Покистон президенти Яхёхон билан Покистон ҳукуматига бир неча бор билдирди. Совет Ҳукумати сиёсий масалаларни ҳал этмоқ учун репрессия ва таъқиб этиш сиёсий методини қоралаб, Шарқий Покистондаги аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этиш зарурлигига Покистон ҳукумати эътиборини жалб этди. Шу билан бирга Совет томони репрессия сиёсатидан воз кечиш, М. Раҳмонни озод этиш ва масалани Шарқий Покистон аҳолисининг 1970 йил декабридаги сайловда билдирган хохишига монанд ҳал этмоқ йўлини топиш мақсадларида музокараларни дарҳол бошлаб юбориш бирдан-бир тўғри йўл бўлиши мумкин, деган фикрни билдирди. Шундай қилиниши Ҳиндистондан бошпана топган Шарқий покистонлик миллион-миллион қочоқларнинг ўз уйларига қайтиб боришлари учун ҳам шароит яратган бўлур эди.

Совет Ҳукумати ана шу мулоҳазаларни назарда тутиб, Покистон ҳукуматига мурожаат қилар экан, инсонпарварлик принципларига биноан ва мамлакат олдида вужудга келган мураккаб проблемаларни демократик йўл билан ҳал этишни Покистон халқига яхшилик тилаб иш кўрди.

Аммо Покистон ҳукумати Шарқий Покистондаги аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этиш чораларини кўрмай, Ҳиндистонга қарши ҳарбий тайёргарликни зўрайтириб боравергач, совет раҳбарлари президент Яхёхонга маълум қиладиларки, қандай баҳона билан бўлмасин, Покистоннинг Ҳиндистонга қуролли ҳужум қилишини Совет Иттифоқи жуда қаттиқ қоралайди.

Совет Иттифоқи бўлаётган воқеалар СССР чегараларининг бевосита яқинида эканлиги ва бинобарин ўз хавфсизлиги манфаатларига тааллуқли эканлигини ҳам назарда тутиб, ана шу воқеаларга бефарқ қараб туролмайди.

Совет Ҳукумати Ҳиндистон ярим оролида тинчлик сақланиши учун изчиллик билан курашиб, Покистон раҳбарлари мана шу хавфли йўлдан бориб ўз зиммаларига оладиган оғир масъулиятни уларга очиқ-ойдин билдириб қўйишни зарур, деб ҳисоблайди.

Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда Ҳиндистон ярим оролида вужудга келган ва тинчликсевар бирон мамлакат бунга бефарқ қараб туролмайдиган ҳарбий хавф олдида хунрезлик дарҳол тўхтатилишини ҳамда шарқий Покистондаги можаро шу ерли халқнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳурмат этилиши асосида сиёсий йўл билан бартараф этилишини талаб қилади.

Совет Ҳукумати барча мамлакатларнинг ҳукуматлари можарога бирон йўсинда тортилишини билдирувчи ҳамда Ҳиндистон ярим оролидаги вазиятни янада мураккаблаштириб юбора олиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзларини тийиб туришлари керак деб ҳам ҳисоблайди.

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН ҲАРБИЙ МОЖАРОСИ

⊙ ПОКИСТОН ҚЎШИНЛАРИ КАШМИРДА ЯРАШУВ ЧИЗИҒИНИ КЕСИБ ЎТДИЛАР
⊙ ҲИНДИСТОН ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ КАРАЧИ ПОРТИГА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА
⊙ ҲАР ИККИ ТОМОН КЎПЛАБ ОДАМ КУЧИ ВА ТЕХНИКА ЙЎҚОТМОҚДА

РАПАЛВИНДИ. 5. (ТАСС). Ғарбий чегарада ва Кашмирдаги ўт очишни тўхтатиш чизиғида Покистон ва Ҳиндистон қўшинлари ўртасида оғир жанглар бўлмоқда, деб хабар қилади Покистон радиоси. Ҳарбий қўмондонлик вакилининг баёнотига қараганда, Кашмирда Покистон қўшинлари ўт очишни тўхтатиш чизиғини кесиб ўтиб, бир қатор ҳинд чегара пунктларини ва Дера шаҳрини ишғол қилганлар. Покистон қўшинлари Пунчадан Ражастхонгача бўлган йўлда ҳаракат қилиб, дейди вакил, улар Сиалкот районида территорияларни эгаллашга эришганлар. Ҳарбий вакил, чунончи, Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари Ҳиндистоннинг 13 та аэродромига бомба зарбалари берганини хабар қилади.

Покистон радиосининг хабарига қараганда, ҳинд самолётлари Саргод, Пешовар ва Ғарбий Покистоннинг бошқа жойларидаги Покистон ҳарбий базаларига бомбалар ташлаган.

ДЕҲЛИ. 5. (ТАСС). Чегаранинг шарқий ва ғарбий секторларида Ҳиндистон ва Покистон қўшинлари ўртасида ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда. ПТИ агентлигининг хабар беришича, Комилла секторида Шарқий Покистон территориясига кирган ҳинд армияси вилоятнинг ички районларига етиб борган. Сўнгги хабарларга қараганда, ҳинд қўшинлари Суаган, Чаура, Бибибозор шаҳарларини ишғол қилган. Силхет секторида улар Калаур шаҳри томон ҳаракат қилмоқдалар. Ҳинд қўшинлари Акхаур районида Покистон қисмларини ўраб олдилар ва Покистон армиясининг муҳим коммуникация марказлари томон силжиб бормоқдалар. Бугун ҳинд қўшинлари муҳим темир йўл узели — Акхаурни ишғол этдилар. Камалпурдаги Покистон гарнизони таслим бўлди. Агартал районида (иттифоқдош Трипур территорияси) ҳинд қўшинлари Покистон армиясининг бир неча ҳужумини қайтарди. Покистон қўшинлари Агарталани тўплардан тўхтовсиз ўққа тутиб, чекинишга мажбур бўлдилар.

Мудофаа министрлигининг баёнотида айтилишича, ҳинд қўшинлари «мукти бахини» отрядлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, Шамшернагар (Шарқий Покистон) шаҳрини эгалладилар ва Качар секторидаги ҳарбий аэродромни босиб олдилар.

Чегаранинг ғарбий секторида, деб хабар қилади ПТИ агентлиги, ҳинд қўшинлари Амрицар секторидаги бир неча Покистон қишлоқларини ишғол этди. Ферозпур (Панжоб штати) секторида оғир жанглар давом этмоқда. Мудофаа министрлигининг баёнотида таъкидланишича, ҳар икки томон кўп одам кучи ва техника йўқотмоқда. Чхамб секторида ҳам оғир жанглар бормоқда. Ҳинд қўшинлари кеча бу ерда Покистон қўшинлари ҳужумини қайтариб, олтита танкни мажақлаб ташладилар.

Ўтган тунда Покистон авиацияси Агра ва у ерда жойлашган ҳарбий аэродромни олти марта бомбардимон қилди. Ҳинд зенит батареяси Покистон самолетларига қарата ўт очди.

Бугун Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари Аҳмадобод (Гуджерад штати) ва Амрицар (Панжоб штати) шаҳарларидаги аэродромларга бомба ташлади.

Ҳинд ҳукумати вакили баёнот бериб, кеча ҳинд ҳарбий-денгиз кучлари Карачи портини ўққа тутдилар, деди. Бунгача, деди у, Ҳиндистон ва Покистон ҳарбий кемалари ўртасида денгиз жанги бўлиб ўтди. Бу жангда бир Покистон эсминци чўктирилган, бошқаси эса зарар кўрган. Ҳамма ҳинд кемалари ўз базаларига қайтиб келган. Ҳиндистон мудофаа министри Жагживан Рамнинг баёнот беришича, Шарқий Покистоннинг ҳамма портлари ҳинд флоти томонидан ўраб олинган.

Бугун ҳинд қўшинлари Шарқий Покистонда Лакшам темир йўл станциясини ишғол қилди, деб хабар беради Умумҳиндистон радиоси. Бунинг натижасида Дакка ва Читтагонг ўртасида алоқа узилиб қолган.

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ МАЖЛИСИ

ДЕҲЛИ, 4 декабрь. (ТАСС). Бугун Деҳлида Ҳиндистон парламенти ҳар икки палатасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Бош министр Индира Ганди мажлисда сўзга чиқиб, Ҳиндистон ҳукуматининг тинчликка қаратилган тадбирларига қарамай, Покистон ҳукумати Ҳиндистонга уруш эълон қилганлигини хабар берди. Шу муносабат билан Ганди Покистон маъмурлари уруш ҳаракатларини янада кучайтириш сиёсатини олиб бораётганликларини ва Шарқий Покистон халқига нисбатан агрессияни Ҳиндистонга қарши кенг кўламдаги урушга айлантирганликларини айтди.

Ҳиндистон ҳамиша тинчлик учун курашиб келди ва курашаверади. Лекин тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш керак, деди Ганди.

Ганди Ҳиндистон ярим ороли мустақил миллий ривожланишига ва тинчликка ғоят муҳтождир, деди. Лекин Ҳиндистон билан Покистон халқлари урушга тортилдилар.

Ганди Покистон пропагандасининг гўё Ҳиндистон Покистонга ҳужум қилди, деб қўйган айбларини рад қилди.

Ганди ўз нутқининг охирида Ҳиндистон халқини ўз ватанининг территориал бутунлигини ва миллий қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун қатъий кураш олиб боришга, ҳушёр бўлишга, жанговар тайёрликка ва мардликка чақирди.

Парламент мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини маъқуллади.



САЛВАДОР реакцион ҳукумати тинч аҳолига қарши қонли репрессияни давом эттирмоқда. Қуролланган полиция сиёсий ва жамоат арбоблари, касаба союз, деҳқонлар ва студентлар раҳбарларини қамоққа олмоқда. Халқ бунга қарши норозилик билдирмоқда. Суратда: Сан-Салвадорда ўқитувчилар моддий таъминотини яхшилашни талаб қилиб, уюштирилган намойиш қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ЧОРВАЧИЛИК ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Яқинда чорвачилик илмий-текшириш институтида область чорвачилигида фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш йўлларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги илмий-техника жамияти Тошкент область правлениеси билан институт олимлари ҳамкорлигида ўтказилган бу йиғилишга илғор чорвадорлар, чўпонлар, молбоқарлар, сут соғувчилар, паррандабоқарлар, чўчқабоқарлар таклиф этилган эди.

Тошкент область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, шу бошқарманинг ветеринария бўлими раҳбарлари, чорвачилик илмий-текшириш институти ходимлари КПСС XXIV съезди қарорлари асосида чорвачиликни интенсив-ривожлантириш вазифалари, колхоз ва совхозларда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, мавжуд ем-хашаклардан унумли фойдаланиш, чорва моллари касалликларига қарши кураш, сут етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, моллар наслини яхшилаш каби бир қатор муҳим масалаларга бағишлаб доклад қилдилар.

Кенгашда чорвачиликни ривожлантиришни илмий асосда ташкил этишга қаратилган кўпгина қимматли фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Қуйида биз ана шу кенгашда доклад қилган мутахассисларнинг сўзларини қисқартириб босяпмиз.

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

Тошкент область қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. В. АЖИНОВ сўзидан

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз пахтачилик ва умуман колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш билан бирга гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш, чорва туёғини ўстириш, маҳсулдорлигини ошириш тўғрисида ҳам тинмай ғамхўрлик қиляпти.

Тўққизинчи беш йиллик охирига бориб, областимиз колхозлари ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан бир ярим баравар, сут — 1,6 баравар тухум — 2,2 баравар кўпайиши керак. Ана шу давр ичида қорамоллар туёғи, паррандалар, қўй-эчкилар ҳам анча кўпаяди.

Бу вазифани бажариш учун, аввало, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, чорвачиликни ихтисослаш талаб этилади.

Бу беш йилликда областда 35 та сут комплекси, 4 та гўшт комплекси қурилиши, беш йиллик охирига бориб областда 17 та паррандачилик корхонаси ишга тушиши лозим. Бу вазифаларни бажариш партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, барча қишлоқ меҳнаткашларидан активлик ва қатъиятлик билан иш олиб боришни талаб этади.

Ҳозир бизда чорвачиликнинг аҳволи қандай? Юқоридаги вазифаларни бажариш учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак?

Аввало, сут чорвачилиги ҳақида икки оғиз сўз. Ўтган ўн ой давомида областдаги 65 колхоз ва совхозда ҳар бош соғин сигирдан 1500 килограммдан кам сут соғиб олинди. Бу шуни кўрсатадики, кўпчилик колхозларда соғин сигирлар маҳсулдорлиги талабга жавоб бермайди. Оржоникидзе ва Калинин районлари хўжаликларидаги мавжуд соғин сигирларнинг кўпчилиги қари моллар. Областдаги кўпчилик хўжалик маҳсулдор молларни танлаб олиш, шулар ҳисобига наслдор моллар ўзагини вужудга келтириш юзасидан дуруст иш олиб бормаётир. Албатта, ҳатто ем-хашак мўл-кўл бўлган тақдирда ҳам бу масалани ҳал қилмасдан туриб сут етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас. Яқин бир-икки йил ичида ҳар бир хўжаликда сигирларни уруғлантириб, кўпайтиришга, уларнинг наслини яхшилашга, иккинчидан уларни хилма-хил ва рацион ва нормадаги озуқалар билан тўла тўйдириб боқишга, сигирларни соғиш ишини механизациялашга алоҳида аҳамият бериш керак.

Шунингдек, соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун селекция, наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, қўйчиликни ривожлантиришни юзасидан ҳам қатор тадбирларни амалга ошириш, фан ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш керак. Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти айрим хўжаликларда қимматли тажрибалар ўтказиб яхши натижаларга эришган. Лекин областдаги кўпгина хўжалик фермаларида наслчилик ишларини йўлга қўйишда жиддий камчиликлар бор.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан бири гўштга топшириладиган молларни семиртириб боқишдир. Ихтисослаштириш ишлари амалга оширилганлиги туфайли бу масалада кейинги йилларда бир мунча ютуқларга эришилди. Бироқ ҳали ҳам чорвани бўрдоқига боқиб топшириш талабга жавоб бермайди. Колхоз ва совхозлар ҳали ҳам давлатга ориқ мол топшириб келяпти. Бир қатор колхоз ва совхозларда товуқлардан кам тухум олинмоқда.

Бир қатор колхозларда соғин сигирлардан кам сут соғиб олинаётганлигининг сабабларидан бири шуки, бу хўжаликларнинг раҳбарлари юқори қишлоқ хўжалиги органларининг сигирларни боқиш учун яшил конвейерни ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмасини яхши бажармаяптилар. Бунга Бўстонлиқ районини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳозир чорвадорлар учун масъулиятли давр бошланди. Ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбари, мутахассис фермалардаги ишни назорат қилиб отарларда қишловни ўтказишда ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганми ёки йўқлигини яна бир бор текширишдан ўтказишлари лозим. Хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, совет ташкилотлари чорва қишловини намунали ўтказиш учун чорвадорлар иши ва турмушига алоҳида эътибор беришлари лозим.



Бўстонлиқ районидаги 14-«Хўжакент» совхози чорвадорлари қишловни намунали ўтказиш учун барча тадбирларни кўришяпти. Шунингдек сигирлардан кўплаб сут соғиб олиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Моҳир соғувчилар йиллик планларни оширибадо этишмоқда. Суратда: илғор сут соғувчилардан (чапдан) Р. Абдукаримова, У. Эраева, М. Умарова, Т. Шомақсудовалар.

И. Портнов фотоси.

●

Товуқчиликни ривожлантираётган Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз паррандабоқарлари катта муваффақиятларга эришяпти. Улар товуқлардан кўплаб тухум олишга эришмоқдалар. Суратда: колхознинг пешқадам товуқбоқарларидан Т. Сорокина. У ҳозиргача 55 минг дона тухум олиб йиллик планни анча ошириб адо этди.

Қ. Розиқов фотоси, УзТАГ.



ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Институтнинг ем-хашак етиштириш бўлими мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. ХОЛИҚОВ сўзидан

СУҒОРИЛАДИГАН деҳқончилик шароитида оралиқ экинлари муҳим резервдир. Сули, арпа, қора буғдой, жавдар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда институтимиз далаларида жовдар, сули, арпа экинларини кўк озуқа учун экиш кенг жорий қилинмоқда. Айниқса, уларни бир йиллик дуккакли экинлар, масалан, вика ва нўхат билан қўшиб экиш қулай ва фойдали бўлиб чиқмоқда. Гап шундаки, бу оралиқ экинлари ҳосилини эрта баҳорда йиғиштириб олиб, ўрнига жўхори ва бошқа ем-хашак экинлари экиш мумкин.

Бизнинг тажриба участкамизга экилган кузги қора буғдой, арпадан апрель ойининг ўзидаёқ 200—250 центнердан кўкпоя олинди. Сўнг худди ана шу майдонларга маккажўхорининг ҳар хил навлари экилди, 120—130 кун давомида парвариш қилиниб, ҳар гектаридан 638—700 центнердан, кўкпоя, 45—47 центнердан дон олинди.

Қора буғдойни викага қўшиб экишнинг яна бир афзаллиги шундаки, у эрта баҳорда унib чиққач, найча бўлгандан то бош чиқаргунча моллар иштаҳа билан ейди. Лекин, айрим агрономлар буғдой бош чиқаргунча молга едирмай турадилар. Ваҳоланки, шу даврга келиб бу ўсимликда ёғоч моддаси кўпайиб кетади, моллар еганда нишхўрдга кўп чиқади.

Беда экини ҳам ем-хашак экинлари ичида муҳим ўринни эгаллашини чорвадорларимиз яхши биладилар. Агар беда яхши парвариш қилинса, мавсумда беш-олти марта ўриш ва мўл ҳосил етиштириш мумкин. Кўпгина хўжаликлар суғориладиган ерлардаги бедазорларни агротехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда парваришлаб, 100—150 центнердан хашак олмоқдалар.

Бироқ, беда, ўз биологик хусусиятига кўра, баҳорда экилса, сувт ривожланади, йил охирида жуда кам, 25—30 центнердан хашак беради. Суғориладиган ерларда бедадан олинадиган ҳосилдорликни биринчи йили ўртача 70—80 центнерга кўтариш биринчи даражали вазифадир. Бундан ташқари, ем-хашак экинларни мўл-кўллигини вужудга келтириш учун олимларимиз томонидан яратилган маккажўхори ва қанд лавлагининг янги-янги навларидан ҳам фойдалана билиш лозим.

Айниқса қанд лавлаги кўп фойда беради. Бу лавлаги гектаридан олинадиган илдиз меваси ва озуқа единицаси жиҳатидан у биринчи ўринда туради.

СУТ СИФАТИ БУЗИЛМАСИН

Институтнинг сутчилик лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати М. МИРҲИДОЯТОВ сўзидан

Янги соғиб олинган сут, агар санитария қоидаларига риоя қилинмаса, тез бузилади, ҳар хил микроблар тушиб, ачиб қолади. Шунга кўра, чорвадорларимиз сут соғиб олишни кўпайтириш билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида аҳамият беришлари керак.

Сут соғиб олишдан олдин сигир елинини яхшилаб юзиб, сут соғиб олиш хона жиҳозларини, машиналарни дизенфекциялаш ҳар хил идишлар, масалан, цестерна, бидонлардаги сут қолдиқларини яхшилаб тозалаш керак.

Ҳозир саноатимиз бу мақсад учун юқори самара берадиган дориларни кўплаб ишлаб чиқаряпти. Юзта соғин сигирга эга бўлган ферма учун бир йилда ювиш дорисидан 400 килограмм ва дизенфекция қилувчи дорилардан 50 килограмм талаб этилади.

Қиш даврида соғиш қурилмалари, аппаратлар ва сут идишларини ҳар беш кунда бир марта, ёзда эса тез-тез дизенфекциялаш лозим.

Сут соғиб олингач, дарҳол уни фильтрлаш керак. Натижада сут соғилиши давомида тушган ҳар хил ифлосликлардан тозаланади. Бунинг учун дока ва лавсан сингари материаллардан фойдаланиш керак.

Сутдаги барча фойдали моддаларни тўла сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бири соғиб олинган сутни дарҳол совутиб қўйишдир. Бу иш қанчалик тез ва соз амалга оширилса, сут шунчалик сифатли бўлади. Совутилган сутни заводларга етказиб бериш давомида йўлда илиб қолмаслиги учун ҳам зарур тадбирлар кўрилиши лозим. Бунинг учун сутни заводларга махсус цистернали машиналарда жўнатиш фойдалидир.

1972 йилнинг январь ойидан бошлаб сут янги давлат стандарти бўйича қабул қилиб олинади. Бу стандарт асосида биринчи сортга топширилган сутга иккинчи сортга нисбатан 5—7 процент кўп ҳақ тўланади.

Ҳар бир хўжаликда сут сифатини назорат қилиб бориш учун лаборатория тартибга келтирилган бўлиши шарт. Сут сифатини яхшилашнинг муҳим тадбирларидан бири жойларда жамоат кўригини ташкил этишдан иборатдир. Унда махсус комиссия иш олиб боради ва у фермаларнинг санитария ҳолатини текширади. Уларда сут соғиб олиш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва транспортга ортиш қандай ташкил этилганлигига баҳо беради.

МОЛЛАРНИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНГ

Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармаси ветеринария бўлими бошлиғи М. ҲОШИМОВ сўзидан

Агар хўжалигингизда юқори маҳсулли наслдор моллар бор бўлса-ю, уларни ҳар хил касалликлардан асраш тадбирларини кўрмасангиз, ҳеч сўзсиз, чорва моллари маҳсулдорлиги камайиб кетади: улардан мўлжалдаги сутни соғиб ололмайсиз, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш миқдори ҳам кутилгандай бўлиб чиқмайди.

Кейинги йилларда бир қатор ташкилий-хўжалик тадбирларининг амалга оширилиши, чорва молларини боқиш яхшиланиши, ветеринария, зоотехник ходимлар ўтказган бир қатор чора-тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалиги молларининг касалланиши бирмунча камайди.

Лекин ҳали ҳам бу амалга оширилаётган чора-тадбирлар етарли, деб айтолмаймиз. Бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари ўз соҳада масъулиятни тўла ҳис қилмаётирлар.

Чорва молларини эмлаш иши тўла йўлга қўйилмаганлиги туфайли оқсил касали ҳали ҳам жиддий зиён етказмоқда. Ваҳоланки, агар соғин сигир оқсил касаллигига чалиниб қолса ферма бўйича сут миқдори 10-15 процент камайиб кетади. Касалликнинг кўпаймаслиги учун қисқа вақт ичида хўжаликларда қорамолларни эмлашни тугаллаш, касалликнинг олдини олишга қаратилган бошқа чораларни ҳам кўриш зарур.

Айрим хўжаликларда профилактик тадбирларни ўтказишнинг оддий талабларига риоя қилинмаётганлиги туфайли бруцеллез касаллиги тарқалиб кетмоқда. Янгийўл ва бошқа район хўжаликларидаги бу касаллик, жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бруцеллез билан оғриган молларни дарҳол аниқлаб, уларни бошқа моллардан ажратиб боқиш ва шошилинч тадбир кўриш зарур.

Чорвачиликда масъулиятли давр — чорва қишлоги бошланди. Ветеринария мутахассислари зоотехниклар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, молларга сифатли ем-хашак едириш, ветеринария-санитария тартибларига қатъий амал қилинишини устидан назорат қилиб боришлари керак.

* * *

ШУНИНГДЕК, кенгашда институт директорининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Н. К. АЛЕКСЕЕВА, илмий ходим, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати К. К. КАРИБОЕВ ўртоқлар ҳам қизиқарли доклад қилдилар.

Бу докладларда колхоз ва совхозларда ем-хашак базасининг аҳволи, ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, ҳар бир хўжаликда ер шароити, чорва молларининг турига қараб ем-хашак экинлари танлаш, уларни парвариш қилишда илғор методларни қўлланиш, чорва молларини тўйдириб боқишда лавлагининг аҳамияти ҳақида сўзланди.

СИГИРЛАРНИ ЯХШИ ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК

Институтнинг илмий ходими В. А. САВҚИН сўзидан

ҲОЗИР фермаларимизда молларни боқиш, кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаштириш соҳасида анча ютуқлар қўлга киритилган. Сут соғувчининг меҳнати илгарига қараганда анча енгиллашиб қолди. Механизация кўлланилаётган ерларда илгариги 8—9 сигир ўрнига ҳозир ҳар бир сут соғувчи 25 30 сигирга қарамоқда.

Сигирлар оммавий, группа усулида ва алоҳида ажратилган ҳолда соғиб олинади.

Сут мўл бўлсин деган чорвадор сигирлар сутдан чиққан даврда ҳам, сигирлар туғишга яқин ҳам уларни бирдек парвариш қилиши керак. Бу муҳим аҳамиятга эгадир. Кўпгина мутахассисларнинг фикрича сигирларнинг сутдан чиқиш даври 45 кунга чўзилади. Лекин бу муддат ҳамма сигирлар учун қатъий қилиб белгиланмайди, албатта. Сигирлар сутдан чиққач, албатта, уларнинг боқиш жойи, озиқ-овқат рационларини бирмунча ўзгартириш керак. Бу тадбир сутдан чиқиш муддатини қисқартиради.

Айрим чорвадорлар фақат соғиладиган сигирларнигина яхши парвариш қилишга эътибор бериб хато қиладилар. Улар сигирларни туғишга яхши тайёрламайдилар. Ваҳоланки сигирлар сутдан чиққан даврда уларни туғишга тайёрлаш кейинчалик бутун соғув давомида улардан кўп сут соғиб олишга ёрдам беради.

Бу даврда ҳам молларга бир кеча-кундузда 2 килограммдан концентрат озуқа бериш шартдир.

Сигир туққач, дастлабки кунларда уларни озиқлантириш туғиш шароитининг қандай ўтганлиги ва молнинг физиологик ҳолатига қараб ўтказилиши зарур. Туғиш нормал шароитда ўтган бўлса, моллар аста-секин тўла рационда озуқалар билан боқила бошлайди.

Ҳаммага маълумки, сигир туққач дастлабки ойларда сутни кўпайтиради. Бироқ кам маҳсулли сигирлар биринчи, юқори маҳсулли сигирлар иккинчи, айрим ҳолларда учинчи ойда бир кеча-кундузлик сутини кўпайтиради. Агар сигирлар туққандан сўнг дастлабки кунларда уларга бериладиган озиқ-овқат рационидаги озуқа элементлари нормал бўлмаса у ҳолда сигир сутини кўпайтира олмайди. Кўпайтирган тақдирда ҳам муддат узоққа чўзилмайди. Кейин сутини камайтириб юборади. Оқибатда соғин сигирларнинг йиллик берадиган сут миқдори камайиб кетади.

МЕХАНИЗАЦИЯГА КЕНГ ЙЎЛ

Узбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти механизация бўлими илмий ходими Н. НАСРИДДИНОВ сўзидан

АГАР пахтачиликда ер ҳайдаш, экиш ишлари тўла механизациялашган, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларида ҳам техникадан кенг фойдаланаётган бўлсак, соғин сигирларни соғиб олишда механизация суръати талабга жавоб бермайди.

Ваҳоланки, бу соҳада ҳам кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш ҳисобига анча қулайлик вужудга келтириш, мўл ва арзон маҳсулот етиштириш мумкин.

Буни бизнинг институтимиз тажриба базасида олиб борилаётган ишлар мисолида кўрсак бўлади. Қорамол фермасида деярлик барча технология жараёнлари механизациялашган «Тандем—10» типидаги қурилма билан соатига 380 литрга яқин сут соғиб олинади. Умуман, ферма бўйича сутни дастлабки қайта ишлаб, бир центнер сут етиштириш учун 0,06 иш куни сарф қилинмоқда. Ваҳоланки, республикамиз колхозларида бир центнер сут етиштириш учун 3,2—3,3 иш куни сарф бўлмоқда.

Комплекс механизацияни қўлламоқдалар.

Областимизда колхоз ва совхозлараро бўрдоқичилик пунктларининг ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ, аммо улар қисқа вақт ичида катта тажриба тўпладилар. Бундай пунктларда комплекс механизацияни жорий қилиш туфайли етиштирилаётган гўшт таннархи камайиб бормоқда.

Чўчқачиликда меҳнат унумдорлиги ҳали пастлигича қолмоқда. Бу, аввало, механизациялаш ишлари савияси ва маҳсулдорликнинг пастлиги оқибатидир. Чўчқачилик фермаларида ҳам турли хил машиналарни қўлланиб, кўпгина меҳнат жараёнларини механизациялаш шу кунининг муҳим вазифасидир.

Бу гап қўйчилик учун ҳам тааллуқлидир. Қўйчиликдаги ишларни механизациялаш чорвачиликнинг бошқа тармоқларига қараганда бирмунча орқададир. Қўйчиликда фақат жун қирқиш ишигина механизация воситасида бажарилади.

Олимлар, илғор тажрибакорлар ёрдамига таяниб бу соҳада ҳам жиддий бурилиш ясаш вақти келди.

ХОСИЛ ТЎЙИ









Суратларда: ипподромда пахта байрами тантаналари.

А. ТЎРАЕВ, А. ХАДАКОВ ва Б. САФАРОВ фотолари.

ҚОЗОНЛАР ЎРНИДА ГРЭС

АНГРЕН. Тоғлар бағрида жойлашган бу мўъжаз шаҳарча жамоли кун сайин гуллаб очилиб бормоқда. Унинг келажаги яна ҳам порлоқ. Тўққизинчи беш йилликда бу ерда КПСС XXIV съездида тилга олинган яна бир улкан корхона — резина комбинати қад кўтаради.

Разрез-қурилиш бошқармасининг ишчи ва хизматчилари эса яқинда Ангрен ГРЭСини реконструкция қилиш ишларини муддатидан бир йил олдин тугатишди. Улар қўшимча — сувни ҳимоявий йўл билан тозалайдиган, ҳамда иссиқлик берадиган мосламалар қуришди. Бунинг натижасида 40 минг аҳоли иссиқлик ҳамда иссиқ сув билан таъминланди. Шаҳардаги сув иситадиган мавжуд 30 та қозон ишдан «озод» қилинди.

Бундай улкан ва хайрли ишни қисқа муддатда амалга оширишда разрез-қурилиш бошқармасининг Р. Мирзаахмедов, Қ. Нишонов, Н. Миржалолов, М. Горбан, Сим-денев, М. Ширяева, К. Мударрисов каби турли касбдаги ишчилари алоҳида фидокорлик кўрсатишди.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИЙЎЛ. Вақтли матбуотга ишчи-деҳқон мухбирларини жалб этишни В. И. Ленин матбуотининг энг асосий масалаларидан бири деб ҳисобларди. Янгийўл районидаги «Янгийўл» газетаси ҳузурида бу йил биринчи марта ишчи-деҳқон мухбирлари университети ташкил қилинди. Куни кеча университетнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Университет ректори, «Янгийўл» газетасининг редактори З. Қуртнезиров тингловчиларни машғулотлар тартиби ва мазмуни билан таништирди.

Университетда машғулотлар бир ойда икки марта бўлади.

О. ҲАБИБОВ.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КОНКУРСИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. Район клубида яккахон ашулачилар конкурси бўлиб ўтди. Конкурсдан асосий мақсад райондаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари Т. Цой, И. Валиев, Р. Юсупова, Ғ. Тўрақулова, М. Расулов каби ёш хонандалар ғолиб чиқишди.

Область халқ ижоди уйи томонидан ташкил қилинган бу конкурсда район бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари Т. Цой, И. Валиев, Р. Юсупова, Ғ. Тўрақулова, М. Расулов каби ёш хонандалар ғолиб чиқишди.

Т. РАВШАНОВ.

Тошкент ипподроми эрта тонгдан улкан «оқ олтин» хирмони яратган пахтакор деҳқонлар, қишлоқ хўжалик ходимлари, барча меҳнаткашларни тантанали кутиб олди. Бутун ипподром бўйлаб жаранглаётган карнай, сурнай садолари қаҳрамон меҳнат кишиларини байрам билан табриклайди. Меҳнат ва зафар байрами бўлган Пахта байрамига келаётган одамлар оқимн тобора қуюқлаша борди. Бу ерга ғолиб сирдарёлик чўлқуварлар, юқори ҳосилли хоразмликлар, уста пахтакорлар ўлкасидан фарғоналиклар, Тошкент заршунослари ўзларининг катта меҳнат тантанасини ўтказиш учун келишди.

Уларнинг чеҳраси очиқ, қалбида қувонч ҳислари жўш уради. Бу қувонч улкан пахта хирмони яратган элнинг катта меҳнат зафаридан дарак беради. Бу йил узбекистонлик азаматлар она-Ватан хирмонига 4 миллион 510 минг тонна пахта тўкиб, ёруғ юз билан ҳосил тўйини бошладилар. Катта хирмонга муносиб улуш қўшган меҳнат ва жасорат кўрсатиб донг таратган кишилар номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Булар қашқадарёлик Шоймардон Қудратов, сирдарёлик Тўлан Дадажонов, тошкентлик Энвер Алиев ва Турсуной Охуновалардир.

Ипподром территориясидаги савдо маркази ғолиб пахтакорларни қучоқ очиб қаршн олади. Пахтакорларга муносиб хизмат кўрсатишга шайланган савдо ходимлари, пазанда ва созандалар ўз санъатини намойиш қиладилар. Халқ намойиши тобора тантанали тус олади.

Марказий трибуна одамлар билан тўлабошлайди. Байрам қатнашчилари ўз ўрнини оладилар. Ипподром йўлакчасида байрам парадида қатнашувчи спортчилар, чавандозлар ва машиналар колоннаси саф тортади.

Соат ўн бир. Пахта байрамига бағишланган митингни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри Э. Т. Шайхов кириш сўзи билан очади. У Ўзбекистон деҳқонларининг бу йилги кўрсатган жасорати, қаҳрамонона меҳнати билан қўлга киритилган катта галаба билан табриклайди.

Шундан кейин Пахта байрами Қизил байроғини СССР спорт мастери Муҳаммаджон Исмоилов, Сирдарё областидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Ийдошева, «Коммунизм» колхози раиси Т. Латипов тантанали суратда кўтарадн. Қизил байроқ кўтарилгандан кейин Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнлари ижро этилади.

Пахта байрами митингида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, республика министлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, М. Турсунов ҳозир бўлдилар.

Пахта байрами паради совет давлати асосчиси Владимир Ильич Ленининнинг броневик устида ўтиши билан бошланади. (Ленин ролида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист О. Т. Толипов). Кейин чўлқувар сирдарёликлар колоннаси ўтади. ДОСААФ колоннасини минбардагилар қизғин қарсаклар остида кутиб олдилар. Республика мактабининг ёш спортчилари ўз санъатларини намойиш қилади. Боксчилар, хоккейчилар, курашчилар бирин-кетин минбар олдидан ўтишади. «Ватанга 4 миллион 510 минг тонна пахта топширилди» деган сўзлар ёзилган машина устида ўзбек пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасини кўрсатувчи пахта буити ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Мотоциклчилар колоннаси Совет Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қизил байроқларини олиб ўтар экан, байрам қатнашчиларида зўр ҳаяжон уйғотади. Парадда чавандозлар колоннаси, областлардан келган моҳир спортчилар колоннаси қатнашди.

Ипподромда спорт мусобақалари бошланади. Биринчи бўлиб спорт мусобақасини мотоциклчилар бошлаб беришди. Улар группа бўлиб пойгага чиқишганда томошабинлар қўтарилиб руҳ билан қаршилайди. Ўзбек миллий от ўйинларидан бири бу «Қиз қувмоқ»дир. Минг-минглаб меҳнаткашлар бу ўйинни зўр қизиқиш билан кузатдилар.

Ипподромда бошланган от пойгаси ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Моҳир чавандозлар санъатларини намойиш қиладилар. Пойгада биринчиликни қўлга киритган Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Тошкент от заводи чавандози Умурзоқовни томошабинлар қарсаклар билан олқишладилар.

Тўсиқлардан енгил ва чиройли сакраб ўтаётган от устида СССР спорт мастери Исмоилов борарди. У барча тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, белгиланган муддатда маррага етиб келади.

«Отдан ағдариш» спорти ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Полвонлар ўз маҳорат ларини намойиш қилдилар. Бу ўйинда андижонлик Мўмин Аҳмедов пешқадамлик қилди.

«Пахтакор» ва «Динамо» командалари от устида баскетбол мусобақасини бошлайдилар. Ҳамманинг фикри-зикри чавандозларнинг маҳорат билан кўрсатаётган қизиқарли баскетбол ўйинига қаратилган.

Ўзбек миллий полвони Тўланбой Қурбонов барчанинг олқишига сазовор бўлди. У бир нечта қизиқарли номерлар ижро этади.

Байрам тантаналари қизиғандан қизиб боради. Меҳнаткашларга манзур бўлгарли хизмат кўрсатаётган Тошкент область ва Тошкент шаҳар савдо ходимларидан ҳамма мамнун бўлади. Бу ерда пахтакор деҳқонларга мазали таомлри, турли хил қандолат маҳсулотлари тайёрлаб бераётган пазандалар бор маҳоратларини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Деҳқонларга намунали хизмат кўрсатишда Октябрь ошхоналар трестига қарашли 14-ошхона коллективи ҳормай меҳнат қилди. Шунингдек, Назарбек, ишчилар кооперацияси, Келес универсал магазини, Чилонзор пиширеторгининг ишчан ходимлари ўзларининг бемисл меҳнатлари билан меҳнаткашлар миннатдорчилигига сазовор бўлдилар.

Ғолиб эл тўйи катта тантана ва шодиёнага айланди.

Н. ТЎРАЕВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Спорт

АНДРЕЙКА ҒОЛИБ

Шашка мухлислари мамлакат чемпионатининг 19-турини қизиқиш билан кутган эдилар. Бунда чемпионликка асосий даъвогарлар Андрейко билан Гантварг учрашарди. СССР нинг собиқ чемпиони фақат галаба қозонган тақдирдагина пешқадамга етиб олиши мумкин. Андрейкога эса дуранг ҳам кифоя эди. Уйин дуранг билан тугади. Корхов ҳам Ўзбекистон чемпиони Гуляев билан дуранг ўйнади. Иккинчи вакилимиз Давидов Маншинни мағлубиятга учратди ва биринчи ўринлкда мустаҳкамланиб қолди.

20-турда Гантварг Агафонов билан дурангга рози бўлгани ҳамон Андрейко-Мернис учрашувида ҳам шундай натижа қайд қилинди. Шундай қилиб, мусобақа тугамасданоқ жаҳон чемпиони Адрейко ғолиб чиқиши маълум бўлди. У 13,5 очкога эга. Гантварг 12,5, Корхов 12 очко тўплади. Бугун мусобақанинг сунгги тури ўйналади.

«ПАХТАКОР» САФАРДАН ҚАЙТДИ

«Пахтакор» футболчилари Африка мамлакатлари бўйлаб қилган сафарни тугатдилар. Улар Сьерра-Леоне, Кения, Эфиопия мамлакатларида бир неча ўртоқлик учрашувларн ўтказдилар. Пахтакорчиларнинг сўнгги ўйини Аддис-Абеба шаҳрида бўлди. Улар «Сент Жорж» командаси билан дуранг қилдилар. Ҳисоб 0:0.

ПЕШҚАДАМДАН ИККИ ОЧКО

«А» класси Шарқий зонаси пешқадами бўлиб турган Олмаотанинг «Автомобилист» хоккейчилари Тошкент спартакчилари билан бўлган биринчи ўйинда ўирик ҳисобда ютқазишдилар — 3:9. Бу Қозоғистон хоккейчиларининг мавсумдаги биринчи мағлубиятидир. Ўтган шанба куни рақибларнинг қайта учрашуви бўлди. Бу сафар олмаоталиклар икки очко олишди, ҳисоб 4:3.

САККИЗИНЧИ ЧОРАК ФИНАЛЧИ — ВЕНГРИЯ

София шаҳрида Франция — Болгария терма футбол командаларининг Европа биринчилиги учун саралаш ўйини бўлди. Ҳисоб болгарлар фойдасига 2:1. Франция командасининг мағлубияти группада Венгриянинг ғолиб бўлишини таъминлади. Шундай қилиб, саккиз команданинг ҳаммаси маълум. Булар Италия, Югославия, СССР, Руминия, Бельгия, ГФР, Англия ва Венгрия футболчиларидир.

Совет—Ҳиндистон дўстлиги ойлиги

ҲИНДИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН

Шу кунларда дўст Ҳиндистонда ва Совет Иттифоқида мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ойлиги ўтмоқда. Бу дўстлик ойлиги бирмунча бошқача: у шу йил имзоланган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Ҳиндистон Шартномасига бағишланган.

Совет-ҳинд маданий алоқалар жамиятининг президенти, СССР оғир саноат корхоналари қурилиши министри Н. В. Голдин таъкидлаганидек, Шартнома бизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаради. У самимий дўстлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Совет-Ҳиндистон дўстлиги ойлигига бағишланиб, яқинда ўтказилган тантанали мажлисга ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходимлари йиғилдилар. Бу институт Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзосидир. Йиғилишни Ҳиндистон секторининг мудири, тарих фанлари кандидати И. М. Ҳошимов кириш сўзи билан очди. У ўзбек ва ҳинд олимлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ойликнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шу сектор ходими тарих фанлари кандидати П. Расулзода СССР ва Ҳиндистон республикаси ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Бу Шартнома Ҳиндистонга иқтисодий тараққиёт йўлидан бориш ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашда ёрдам беради. Ҳиндистонда бир йил бўлган тарих фанлари кандидати С. Н. Ермакова бу мамлакатдан олган ўз таассуротлари ва миллий экономика қурилишида совет мутахассисларининг ёрдами ҳақида гапириб берди.

Ушбу сатрлар муаллифи ўз докладини Шарқшунослик институтида Ҳиндистонни ўрганиш масалаларига бағишлади.

СССР ва Ҳиндистон халқларининг кўптомонлама ҳамкорлиги мамлакатларимиз олимларининг ҳамкорлигини ҳам ўз ичига камраб олади. Ҳинд ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ва бир бирини тушунишга ёрдам берувчи фанлардан бири ҳиндшуносликдир. Совет ҳиндшунослари мустақил Ҳиндистоннинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти масалаларини тадқиқ қилиш билан бу мамлакатни, унинг халқини яхши билишга ёрдамлашмоқдалар. Совет ҳиндшуносларининг асарлари бизнинг Ватанимиздагина эмас, Ҳиндистонда ҳам бошқа мамлакатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Ҳиндистонни ўрганиш ишига Ўзбекистон олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп асрлик алоқалар ҳинд эли ҳақидаги билимларни кенгайтиришга имкон берди, республикамизда бу мамлакатни илмий жиҳатдан ўрганишни бошлашга олиб келди. Гарчи ўзбек ҳиндшунослиги фан сифатида бор-йўғи йигирма йилдан буён мавжуд бўлса ҳам унинг манбалари ўрта асрларга бориб тақалади ва буюк энциклопедист олим Абу Райхон Беруний номи билан боғланади. Беруний ўзининг бебаҳо асари билан XI асрдаги Ҳиндистонни бутун дунёга кўрсатди. Бироқ, Октябрь революциясигача Ўзбекистонда Ҳиндистонни ўрганиш мунтазам олиб борилмади ва илмий асосга қўйилмади. Республикамизда бу мамлакатни ўрганишда Октябрь революциясидан кейин тубдан янги босқич бошланди.

Ўзбекистонда ҳиндшуносликнинг марказн республика Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти ҳисобланади. Институт ҳиндшуносларининг тадқиқотлари ўзининг тематикаси ва мазмуни жиҳатдан Октябрь революциясигача бўлган даврдаги ишлардан кескин фарқ қилади. Бу тадқиқотлар марксча-ленинча методология билан қуролланган ҳиндшунос мутахассислар томонидан жуда кўп манбалар ва адабиётларга асосланиб олиб борилмоқда.

Институт ҳиндшуносларининг ишида ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракатини ўрганиш, миллий мустақилликка эришишда ишчилар синфининг ролини кўрсатиш масалалари асосий ва муҳим йўналишни ташкил этади. И. Ҳошимов, А. Қосимов, М. Кутина ва бошқаларнинг илмий ишлари ана шу мавзуга бағишланган.

Мустақил Ҳиндистон миллий экономикаси қурилиши масалаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан М. Юсупхўжаевнинг «Ҳиндистон миллий саноатининг ривожланиши ва ишчилар синфи» ҳамда У. А. Рустамов, М. М. Кутина, М. П. Ясакова ва бошқаларнинг мустақил Ҳиндистон айрим штатларининг социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши масалаларига доир тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Ҳиндистонда турли даврларда, хусусан шу кунлардаги ижтимоий муносабатлар тарихи шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизлар мамлакат ҳаётида муҳим сиёсий кучни ташкил этади. Бироқ бу масала совет ҳиндшунослари диққат эътиборидан четда турган эди. Шунинг учун ҳам Фарида Салимованинг мустақил Ҳиндистон хотин-қиз ишчиларининг аҳволи ва уларнинг тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун кураши ҳақидаги ишини республикамиз илмий жамоатчилиги катта қизиқиш билан кутиб олди.

Бой қўлёзма фондининг мавжудлиги ўрта асрдаги Ҳиндистонни муваффақиятли тадқиқ қилишга ёрдам бермоқда. Бу ўринда тарих фанлари доктори С. А. Азимжонованинг «Қобутда ва Шимолий Ҳиндистонда Бобир давлати» деган асари қимматлидир.

Шарқшуносликнинг бошқа марказларида ишланмаган муҳим проблемалар орасида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганиш масалалари бор. Институт фондларида сақланаётган жуда кўп қўлёзма манбалари ҳамда архив материаллар асосида илмий ходим И. Низомиддинов Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар тарихини кўрсата билди.

Ўзбек халқи ҳинд халқининг қадимий ўзига хос адабиётига ҳамиша қизиқиш билан қараб келган. Республикамиз жамоатчилигини мустақил Ҳиндистон адабиётлари муваффақияти билан таништиришда институт чет эл адабиёти сектори ходимларининг тадқиқотлари катта роль ўйнамоқда. Бу ерда У. Ориповнинг Хўжа Аҳмад Аббос ҳақидаги, Н. Муҳамедовнинг Жафрий ҳақидаги монографиялари, Д. Бекаевнинг Яшпал ҳақидаги, С. Ермакованинг С. К. Чауҳан ҳақидаги, Х. Бобожоновнинг У. Ашк ҳақидаги, Л. Еремяннинг прагативид адабий ҳаракати вакилларининг ғоявий эстетик қарашлари ҳақидаги диссертация ишларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Совет ҳиндшунослигини ривожлантиришда Ҳиндистон тарихи, маданияти ва адабиётига оид манбаларнинг илмий шарҳланган таржималари муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда «Бобирнома», Берунийнинг «Ҳиндистон», «Ҳумойўннома», Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга сайёҳати кундалиги каби қимматбаҳо манбалар нашр этилди.

Институтимиз ҳиндшунослари халқаро ва Бутуниттифоқ симпозиумларида актив иштирок этмоқдалар ва Ҳиндистон тарихи, адабиёти ва маданиятининг турли масалалари бўйича докладлар қилмоқдалар.

Тарих фанлари доктори С. А. Азимжонова бир қатор халқаро конгресслар ишида қатнашди ва ўрта аср Ҳиндистонининг социал-иқтисодий тарихи масалалари бўйича докладлар билан чиқди. Шарқшуносларнинг XXV халқаро конгрессида И. Ҳошимов Ўзбекистонда Тагорни ўрганиш ҳақида доклад қилди.

Ўтган йил декабрида институтнинг бир группа ҳиндшунослари Москвада бўлиб ўтган биринчи Бутуниттифоқ ҳиндшунослар конференциясида қатнашишди. Уларнинг ҳаммаси Ҳиндистон тарихи ва адабиётига доир докладлар қилишди.

Мамлакатларимиз илмий ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Дўст Ҳиндистондаги Алигарх университетидан келган Мансура Ҳайдар Ўзбекистон тарихини ўрганди ва шу ерда ўз диссертациясини ёзиб тугатди. Деҳли университетининг профессори, таржимон, адабиётшунос ва шоир Қамар Раис ҳозирги вақтда ўзбек студентларига ҳинд тили ва адабиётидан лекциялар ўқимоқда. Қамар Раис бир қатор ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарларини таржима қилиб, Ҳиндистонда эълон қилмоқда. Айни чоқда институтимизнинг бир қатор ходимлари ҳам дўст мамлакатда илмий командировкада бўлишди. С. А. Азимжонова, И. М. Ҳошимов, А. Қосимов, Ф. Салимова ва бошқалар бу мамлакат олимлари билан учрашиб, қизиқарли материаллар тўплаб келишди.

Институт олимлари ишонч билдирадиларки, уларнинг асарлари ҳинд ва ўзбек халқларига бир-бирларини яхшироқ тушунишда ёрдам беради ва бу билан дўстлик ва бародарликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

С. ТАНСИҚБОЕВА,
тарих фанлари кандидати.

Деҳли қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Шаҳарда эски услубда қурилган бинолар ёнида янги замонавий иморатлар қад кўтармоқда. Тарихий ёдгорликларга бой бўлган эски шаҳар қиёфаси ҳам аста-секин ўзгаряпти. Суратда: Деҳли вокзал майдонида.

В. СОБОЛЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.



Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
УҚУВ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 10-синф. «В. В. Маяковскийнинг «В. И. Ленин» поэмаси» (рус тилида). 12.00 — Уқув фильм. 12.25 — Адабиёт. 10-синф. «Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърида дўстлик ва ватанпарварлик ғоялари» (ўзбек тилида).

14.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 18.00 — Болалар учун кўгирчоқ телевизион театри. 18.30 — Н. А. Некрасов туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан. 19.30 — «Аёллар ўйинна» (телефильм). 19.45 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 20.30 — «Цирк болалари» (ҳужжатли фильм). 21.00 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! (Тахиатош гидроузели — зардоб қуриниш» (телеочерк). 21.10 — Камер асарларидан концерт. 21.40 — «Ахборот» информацион программаси. 22.00 — «Белоруссия вокзали» бадиий фильм).

23.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

20.00 — «Совет Россияси» (ҳужжатли фильм, ўзбек тилида).

20.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — Уқув кўрсатувлари программаси. «Эстетика асослари». 8—10-синф «Санъатда шакл ва мазмун» (рус тилида). 19.40 — Спортчилар меҳмонимиз. 20.00 — «Осилсанг баланд дорга осил» (бадиий фильмнинг 1—2 серияси, ўзбек тилида).

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XII да Трубадур. 9/XII да Тановар.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 7/XII да Аяжонларим, 9/XII да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XII да Ешликда берган кўнгил, 9/XII да Паранжи сирлари.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XII да Оқар сувлар, 8/XII да Учинчи орзу, 10/XII да Биринчи бўса.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — СОВЕТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Кино

Дайди (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, «КУКЧА», САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК»», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Россия империясининг салтанати ёки яна қўлга тушмас қасоскорлар (кундуз соат 12 ва 2 яримда). Қимматли секундлар (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 яримда): — «ЧАЙКА».

Анжелика — фаришталар маликаси (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Квиллер Меморандуми (жуфт соатларда). Митти сузувчи (тоқ соатларда): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Казимир — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ РУС АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

(К. Маркс кўчаси, 29 уй) саҳна ишчилари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р — 14634 ИНДЕКС 64697, А—1878.